

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ
АКАДЕМИЯСИ**

**Қўл ёзма ҳуқуқида
УДК 33:657.62 : 628:658.155**

**И С Р О И Л О В
Жамол Ибрагимович**

**ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИНГ
ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ**

**08.00.08 - «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит»
ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2004

Диссертация Самарқанд иқтисодий ва сервис институти
«Статистика» кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар: М.Қ.ПАРДАЕВ - иқтисод фанлари
доктори, профессор

Расмий оппонентлар: А. ИБРАГИМОВ - иқтисод фанлари
доктори

Б. ҲАСАНОВ - иқтисод фанлари
номзоди, доцент


Етакчи муассаса: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Диссертация 2004 йил 14 октябрь соат 15 да Ўзбекистон
Республикаси Банк-молия академияси хузуридаги иқтисод фанлари номзоди
илмий даражаси ҳимояси бўйича К. 005.25.01 рақамли Бирлашган
ихтисослашган кенгашда ҳимоя қилинади.

Манзил: 700000. Тошкент ш. Ҳ. Орипов кучаси, 16 уй. Мажлислар зали.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси
кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2004 йилнинг «13» сентябрь да тарқатилди.

Ихтисослашган
кенгаш илмий котиби,
иқтисод фанлари номзоди  А. УСАНОВ

Библиотека

СамСХМ

МНП

а-13981

1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон иқтисодиётининг бозор муносабатлари тизимига ўтиши унинг таркибий тузилишини ўзгартириб юборди. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 250 мингга яқин хусусий тадбиркорликка асосланган кичик бизнес корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг мамлакат ялли ички маҳсулотигаги улуши 35,0 фоизни, унда банд бўлганлар сони 5,5 млн. киши бўлиб барча банд аҳолининг 57 фоизидан кўпроғини ташкил қилмоқда¹.

Бозор муносабатлари шароитида хусусий тадбиркорлик субъектларининг аҳамияти жамият тараққиётининг барча жабхаларида ижтимоий-иқтисодий баркарорликни таъминловчи асосий омиллардан бири эканлиги билан белгиланади. Ушбу соҳанинг ривожланиши мамлакат аҳолисининг бойишига, иқтисодиётнинг ривожланишига, истеъмол бозорининг тўйинишига, давлат бюджетига тушумларнинг кўпайишига, ишсизликнинг камайишига олиб келади. Биргина 2003 йилда тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 375 мингга янги иш ўрни ташкил этилди². Бу жараённинг натижаси мамлакатда ўрта синфни шакллантиришга, бозор муҳитининг қарор топишига, аҳоли фаровонлигининг ошишига олиб келади.

Президентимиз Ислам Каримов хусусий тадбиркорлик субъектлари, кичик ва ўрта бизнеснинг аҳамиятига тухталиб: «Биз кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялли ички маҳсулот ишлаб чиқаришда нафақат ҳал қилувчи мавқеини эгаллаши, айна вақтда унинг аҳоли фаровонлиги ва даромадлари ортишида, ишсизлик муаммосини ечишда ҳам муҳим омилга айланишга эришмоғимиз лозим»³, деб таъкидлаган эди. Ҳақиқатда ушбу соҳа мамлакатимиз тараққиётининг бош ғоясини амалга ошириш учун барча ҳаракатларимизнинг пировард мақсадига эришишимиз учун ҳам асос бўлади. Шу туфайли мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик субъектлари, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, уларнинг эркинлигини таъминлаш, мулкни қафолатлаш бўйича кўпгина қонунлар ва қонун ости меъёрий ҳужжатлар тизими яратилди.

Аммо хусусий тадбиркорлик субъектлари мамлакатимизда жуда тез суръатлар билан ривожланиб кетмаёпти. Бунинг шаклланиши ва тараққий этишида жуда кўп муаммоларга дуч келинмоқда.

Унинг ривожланишига тўсиқ бўлиб турган сабабларни ўрганиш, унинг ривожланиши учун ички имкониятларни сафарбар қилиш, мазкур субъектлар фаолиятини чуқур, ҳар томонлама тадқиқ қилиш, хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожланишига таъсир қилаётган салбий омилларни аниқлаш каби муаммоларни ҳал қилиш уларнинг фаолиятини атрофлича таҳлил қилишни тақозо қилади. Аммо тадбиркорлик субъектлари фаолиятини атрофлича таҳлил қилиш

¹ Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз. Президент Ислам Каримовнинг 2003 йилда мамлакатни ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига, бағишланган Вазирлар Маққамаси мажлисидаги маърузаси. 2004 йил 7 феврал.

/// Халқ сўзи. 2004 йил 8 феврал.

² Ўша жойда. /// Халқ сўзи. 2004 йил 8 феврал.

³ Каримов И.А. «Озод ва обод Ватан, Эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз». «Фидокор» газетаси 2000 йил 23 январ.

усуллари етарли даражада ўрганилмаган. Лекин иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналиши бўлган тадбиркорлик соҳасини ўрганмаслик, унинг тараққиёт стратегиясини аниқловчи таҳлилни амалга оширмаслик бугунги кун тараққиётга бефарқликдан бошқа нарса эмас. Шу туфайли мазкур мавзу кўтарилган муаммолар мажмуи тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Мамлакатимиз ва хорижий олимларнинг асарларини ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳали хусусий тадбиркорлик субъектларни таҳлил қилишнинг назарий ва амалий масалалари ўзимизга хос тарзда етарлича ёритилмаган. Хорижий мамлакатларда қилинган илмий хулосалар ва тавсиялар бизнинг шароитимизга бевосита тўғри келмайди, чунки улар ривожланган бозор муносабатларига асосланган. Биз эса, маълумки, ўтиш даврини бошимиздан кечирмоқдамиз. Боз устига биз ўзимизга хос тараққиёт йўлини танлаб олганмиз. Бизда хусусий тадбиркорлик субъектларининг шаклланиши ва ривожланиши ўзига хос тарзда амалга ошмоқда. Шу туфайли бу масалаларни ўрганиш алоҳида эътиборни, амалий тадқиқотларни талаб қилади.

Бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик фаолияти иқтисодий таҳлилнинг муҳим объектларидан бирига айланди. Иқтисодий таҳлил муаммолари олимларимиздан И.Т.Абдукаримов, Ё.Абдуллаев, И.О.Волжин, А.Иброҳимов, Е.Ергешев, Б.И.Исроилов, Д.Қудбиев, М.Қ.Пардаев, М.Раҳимов, М.М.Тўлаўжаева, А.Ҳ.Шоалимов, В.В.Эргашбоев кабиларнинг асарларида атрофлича қараб чиқилган. Аммо тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг иқтисодий таҳлили соҳа ўзига хос хусусиятларга эга. Лекин ушбу масала иқтисодий таҳлилга оид адабиётларда етарлича ёритилган эмас.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини такомиллаштириш учун ички имкониятларини ахтариб топадиган ва уни амалиётга сафарбар қиладиган жиҳатлари, айниқса унинг омили таҳлили ҳам етарли даражада ўрганилмаган.

Тадбиркорлик соҳасининг ривожланишига таъсир қилувчи салбий омиллар уларни ҳисоблаш ва таҳлил қилиш усуллари эса етарлича ишлаб чиқилмаган. Буларнинг барчаси тадқиқот мавзусини танлаш, мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаб олиш учун асос бўлди.

Тадқиқотнинг мақсади. Мамлакатимиз ривожланишининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш муаммолари ва уларни такомиллаштиришнинг назарий, ташкилий ва услубий жиҳатларини ишлаб чиқиш тадқиқот ишининг мақсадидир.

Тадқиқотнинг вазифалари. Ушбу мақсадга эришиш учун илмий ишда куйидаги вазифаларни ҳал қилиш кўзда тутилди:

- бозор муносабатлари шароитида «Тадбиркор», «Тадбиркорлик», «Бизнес», «Бизнесмен» каби тадбиркорликка оид иқтисодий тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини, уларнинг бир-бири билан боғлиқлиги ва хусусиятларини очиб бериб, ушбу тушунчаларнинг янги таърифларини ишлаб чиқиш;
- иқтисодий эркинлаштириш шароитида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар тизимини, уларнинг таснифи ва ҳисобланиш йўллари кўрсатиб бериш;
- тадбиркорлик субъектларида товарларни ишлаб чиқариш ва сотишни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилишнинг эркин иқтисодий шароитига мос

методологик асосини, уларга таъсир қилувчи комплекс омилларни аниқлаш йўлларини кўрсатиб бериш;

- тадбиркорлик субъектлари фаолиятида рақобатбардошлик ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш усулларининг методологик жиҳатларини қараб чиқиш;

- таҳлил жараёнида фойдани ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш усулларини аниқ вазиятни инобатга олган ҳолда амалга ошириш йўлларини тавсия қилиш;

- тадбиркорлик субъектларининг мавсумий ишлайдиган корхоналари фаолиятида фойда ва рентабеллик кўрсаткичларига таъсир қилувчи бирқанча янги омилларни аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш йўлларини ишлаб чиқиш ва тавсия қилиш.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари билан боғлиқ иқтисодий жараёнлар мажмуаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, ўтиш иқтисодиёти шароитида мамлакатимизда, Самарқанд вилояти ва Оқдарё туманида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари, яъни кичик бизнес хусусий фирмалар, уларда амалга оширилаётган бошқарув усуллари ва унинг асосий функцияси бўлган таҳлил қилиш йўллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асоси бўлиб, Президент Ислам Каримовнинг асарлари, маъруза ва нутқларида ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг ўзига хос иқтисодий тараққиёт стратегияси, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган Қонунлар, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштиришга оид ҳукумат қарорлари, мамлакатимиз етакчи олимларининг ушбу муаммага оид илмий-тадқиқот ишлари натижалари ва тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш бўйича мамлакатимизда тупланган тажрибалар ҳисобланади.

Тадқиқот жараёнида илмий абстракция, мантиқий, иқтисодий, статистик, функционал қиймат таҳлили усулларидан фойдаланилди ҳамда иқтисодий жараёнларни ўрганишда уларни бир-бири билан узвий боғлиқликда, ҳаракатда ва ривожланишда деб қаралди. Назарий хулосаларни амалий маълумотлар билан исботлаш учун Иқтисодиёт, Статистика, Молия вазирликлари, Солиқ қўмитаси ва бирқанча корхоналар маълумотларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини, иқтисодий таҳлилининг назарий ва методологик асоси ишлаб чиқилганлиги ҳамда уларни амалиётга тадбиқ қилиш билан изоҳланади. Хусусан:

- «Тадбиркор», «Тадбиркорлик», «Бизнес», «Бизнесмен» тушунчаларининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни, уларнинг бир-бирига ўхшашликлари ва ўзига хос хусусиятлари очиб берилди. Ҳар бирининг мазмуни назарий жиҳатдан таҳлил қилиниб, уларнинг эркин иқтисодиёт шароитига мос келадиган таърифлари ишлаб чиқилди;

- иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларнинг таснифи ва аниқланиш йўллари кўрсатиб берилди;

- тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди ва уларни аниқлаш йўллари тавсия қилинди;
- тадбиркорлик субъектлари фаолиятида товарларни ишлаб чиқариш ва сотишни таҳлил қилишнинг эркин иқтисодий шароитига мос методологик асосини, уларга таъсир қилувчи барча омилларни салмоқлилик коэффициентини қўллаб комплекс аниқлаш усуллари ишлаб чиқилди;
- тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ракобатбардошлик ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилишнинг методологик жиҳатлари кўрсатиб берилди;
- таҳлил жараёнида фойда ўзгаришига таъсир қилувчи янги омиллар тизими аниқланди ва уларни ҳисоблаш йўллари ишлаб чиқилди;
- тадбиркорлик субъектлари рентабеллигига таъсир қилувчи омилларнинг янги тизими мавсумий ишлайдиган корхоналарга мос тарзда ишлаб чиқилди ва уларни таҳлил қилиш усуллари тавсия қилинди.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти унинг долзарблиги билан белгиланади. Мамлакатимизда иқтисодий эркинлаштириш билан бирга тадбиркорларнинг иқтисодий ҳаётидаги ўрни йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу ўз навбатида тадбиркорлар фаолиятининг самарадорлигини оширишни тақозо қилади. Айнан мазкур ишда ўз ечимини топган тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг иқтисодий таҳлили амалиётга қўлланилса ушбу фаолият самарадорлигини ошириш билан бирга мамлакатимиз иқтисодий қудратининг юксалишига, аҳоли фаровонлигининг муттасил равишда оширилишига олиб келади. Бундан ташқари ушбу ишда кўтарилган тавсиялар тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада эркинлаштириш, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган ҳукумат қарорларини, йўриқнома ва бошқа меъриёв ҳужжатларни ишлаб чиқишда ўзгартиришлар киритишда фойдаланиш мумкин. Ишдаги ўз ечимини топган айрим назарий ва амалий тавсиялар олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун мўлжалланган иқтисодий таҳлилга оид дарслик, ўқув қўлланмалари ва ўқув услубий ишларини тайёрлашда ҳам қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижасини синовдан ўтказиш ва амалиётга тадбиқ этиш. Тадқиқот натижаси бўйича олинган айрим хулоса ва таклифлар мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларга, уларнинг уюшмаларига тавсия қилинган, уларнинг бир қисми эса амалиётга тадбиқ қилинган. Хусусан, Самарқанд вилояти товар ишлаб чиқарувчилар тадбиркорлар палатасига қарашли корхоналар фаолиятига (2004 йил 9 март 42-маълумотнома), Самарқанд шаҳар ҳокимлиги иқтисодий бўлимига (2004 йил 6 март 137/2-маълумотнома). Бундан ташқари, бешта хусусий корхонада тадбиркорлик субъектларини самарали олиб бориш бўйича маслаҳатчи эканлигим ҳам мазкур ишда ўз ечимини топган тавсияларнинг амалиётга тадбиқ этилганлигидан далolat беради. Чунки ҳамма корхоналар юқори самарадорлик кўрсаткичларига эга.

Жуда кўп тавсиялар Ўзбекистон Республикасининг бир қанча қонунларида, хусусан «Тадбиркорлик субъектлари фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги (2000 йил 25 май) «Хусусий корхона тўғрисида» (2003 йил 11 декабр), «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида», «Аудиторлик фаолияти тўғрисида», «Реклама тўғрисида», «Банкротлик тўғрисида», «Муҳофаз

чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2004 йил 4 майдаги 06-1-08/182 сонли маълумотномаси) каби қонунларда ўз ифодасини топган.

Тадқиқот натижасида эришилган айрим тавсиялар ўқув жараёнида қўлланилмоқда (Самарқанд Давлат Университетининг 2004 йил 11 мартдаги 169-01/11.03.04-сонли, Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг 2004 йил 9 март 137/2-сонли, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг 2004 йил 28 январ 43-сонли маълумотномалар).

Тадқиқот натижаларида қилинган хулосалар, ишлаб чиқилган тавсиялар халқаро, республика, ҳудудий, олий ўқув юртлариаро ва бошқа илмий-амалий анжуманларда маъруза қилиниб синовдан мувоффақиятли ўтган ва ижобий баҳоланган, уларда баён этилган таклиф ва тавсиялар анжуманларнинг илмий тавсияларида ўз аксини топган. Хусусан, Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Кичик ва ўрта бизнесда менежмент муаммолари» номли халқаро илмий-амалий анжуманда, «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ресурслардан самарали фойдаланиш муаммолари» номли илмий конференцияда, «Иқтисод ва кичик бизнес муаммолари» номли илмий-амалий анжуманда, «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш» номли илмий-амалий анжуманда, «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар самарадорлигини ошириш муаммолари» номли илмий конференцияда маърузалар қилинган.

Нашр қилинган илмий ишлар. Илмий тадқиқот натижалари бўйича жами 6,4 босма табоқдан иборат 10 та иш чоп қилинган. Буларнинг аниқ рўйхати диссертация авторефератининг охирида келтирилган.

Илмий ишнинг таркибий гузилиши. Диссертация иши мантиқан кетма-кет равишда ёритилган кириш, учта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация жами 155 саҳифадан иборат бўлиб, 9 чизма, 19 жадвал ва 10 иловаларни ўз ичига олади.

II. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, унда хусусий тадбиркорликнинг шаклланиши ва ривожланишини таъминлаш ҳамда иқтисодий ўсишда мазкур соҳанинг ички имкониятларини ишга солиш учун унинг фаолиятини таҳлил қилиш йўлларини ишлаб чиқиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт шароитида иқтисодий назариянинг муҳим қисмларидан бири тадбиркорлик назариясидир. Зеро, тадбиркорлик иқтисодиётнинг барқарорлигини, унинг ўсишини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Бу эса тадбиркорлик масаласини фақат иқтисодий назария нуқтаи-назаридан эмас, балки ушбу жараёни амалий фанларда, хусусан, менежмент, бухгалтерия ҳисоби, статистика, аудит, иқтисодий таҳлил каби фанларда ҳам ўрганишни тақозо қилади. Ҳар бир жараён ҳар томонлама тўлиқ ўрганилсагина у

амалиётда тегишли самарасини беради. Бу ҳолат, бевосита, тадбиркорлик фаолиятига ҳам тегишлидир.

Бозор муносабатлари иқтисодийга ва унга оид фанларга янги тушунча, категория ва фаолиятларнинг кириб келишига олиб келмоқда. Булар жумласига “тадбиркор”, “тадбиркорлик”, “бизнес”, “бизнесмен”, «тадбиркорлик субъектлари» каби тушунчаларни киритиш мумкин.

Тадбиркорлик ҳам иқтисодий категория сифатида ўзининг назарий ечимига ва тегишли таърифига эга бўлиши лозимлигидан келиб чиқиб, ушбу категорияга қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Тадбиркорлик деганда тадбиркорлар ва тадбиркорликнинг бошқа субъектлари томонидан қонун доирасида ташаббускорлик билан таваккал қилиб иш кўрадиган, мулкий жавобгарлиги асосида жамият эҳтиёжига мос товар (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотиш орқали маълум даражада ижтимоий-иқтисодий фойда олишни таъминлайдиган фаолият тушунилади.

Тадбиркор қандай шахс бўлиши хусусида ҳам назарий жиҳатдан аниқ фикр шаклланган эмас. Тадбиркор категориясига таъриф бериш учун бундай шахс қуйидаги ҳислатларга эга бўлиши, яъни ўзи мулкдор бўлиши ва ўз мулкчини тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий асоси қилиб олиши, ўз фаолиятини бошқа кишининг мулки асосида ҳам амалга ошириши ташаббускорлик ва таваккалчилик билан иш кўрадиган, кимдан қачон ва қанча харид қилишни ва кимга қачон, қанча, неча пулга сотишни ўзи ҳал қиладиган, барча фаолиятини қонуни доирасида, унга қаттиқ риоя қилган ҳолда амалга оширадиган, ўз фаолиятини фойда олиш мақсадида эркин амалга оширадиган, жамият манфаатига мос келадиган тадбирларни амалга оширадиган бўлиши лозим.

Бундай назарий хулосалардан келиб чиқиб, тадбиркорга қуйидагича таъриф бериш мумкин. Тадбиркор деганда фаолиятини ташаббускорлик ва таваккалчилик асосида мустақил равишда ўз мулкидан ёки бошқа мулкидан фойдаланиш йўли билан жамиятга нафи тегадиган ва ўзига маълум даражада даромад (фойда) олишни таъминлайдиган, қонун доирасида мустақил фаолият кўрсатадиган гайратли, ишбиларман шахс тушунилади.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг иқтисодий таҳлилини амалга ошириш учун, энг аввало, уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш лозим. Иқтисодий таҳлилга оид адабиётларда корхонанинг хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар атрофлича ёритилган⁴. Аммо тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар эса уларда старли даражада ёритилган эмас.

⁴ Абдукаримов И.Т. ва бошқалар. Матлубот кооперациясининг хўжалик фаолиятини анализ қилиш. Т.: Уқитувчи, 1989. Курс экономического анализа. Под ре. М.И.Баканова, А.Д.Шеремета. М.: Финансы и статистика, 1984. Барингольц С.Б. Экономический анализ деятельности предприятий и объединений. М.: Финансы, 1975. Кравченко Л.И. Анализ хозяйственной деятельности в торговле. Мн.: Вышэйшая школа, 1995. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Мн.: ООО «Новое знание», 2000. Ерғешев Е. Иқтисодий ва молиявий таҳлил. Т.: Молия, 2000. Абдуллаев Ё., Иброҳимов А., Раҳимов М. Иқтисодий таҳлил. Т.: Меҳнат, 2001. Шеремет А.Д. Экономический анализ деятельности предприятия (вопросы методологии). М.: Экономика, 1974. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил I-II-қисмлар. Т.: «Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2002.

Шу туфайли ушбу кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш, уларни назарий жиҳатдан асослаш ва амалиётга тавсия қилиш ҳозирги шароитда, муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқотлар кўрсатдики, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичларни икки гуруҳга бўлиш мумкин.

- бошқарув таҳлилида қўлланиладиган кўрсаткичлар;

- молиявий таҳлилда қўлланиладиган кўрсаткичлар.

Буларнинг аниқ туркумлари, биз тавсия қилган қуйидаги чизмада ўз аксини топган (1-чизма). Ушбу чизмада келтирилган кўрсаткичлар гуруҳи, ўз навбатида, яна бирқанча кўрсаткичларни ўз ичига олади.


Корхоналар фаолиятини ифодаловчи ҳам кўрсаткичлари таҳлили иқтисодий адабиётларда етарлича ёритилган. Деярли барча иқтисодий таҳлилга бағишланган монография ва дарсликларда ушбу масалага у ёки бу даражада тўхталиб ўтилган. Аммо бозор муносабатларининг шаклланиши, иқтисодиётнинг эркинлашуви, кўпмулкчиликка асосланган иқтисодий тизимда кичик бизнесга асосланган хусусий сектор корхоналарининг вужудга келиши бу соҳага янгича ёндошишни, иқтисодий таҳлилнинг ўзига хос усулларини ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда. Айниқса иқтисодиётнинг ҳозирги босқичида таҳлил таҳлил қилиш учун эмас, балки корхонани беvosита оқилona бошқариш учун зарур бўлмоқда. Шу туфайли иқтисодий таҳлилга талаб ва уни амалга ошириш зарурати янада кучайди. Ҳозирги иқтисодий вазият ички имкониятларни ахтариб топишни тақозо қилмоқда. Бу эса омилли таҳлил усулларидан кенг миқёсда фойдаланишни талаб қилмоқда.

Бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсир қилувчи омиллар жуда кўпдир. Чунки, бозорда турли қутилмаган вазиятлар вужудга келиб қолиши натижасида, тадбиркорнинг тузган режаси, унинг кўзда тутган амаллари бузилиб кетиши мумкин. Шу туфайли тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсир қилувчи барча омилларни икки гуруҳга бўлиш мумкин: ижобий таъсир қилувчи омиллар, салбий таъсир қилувчи омиллар.

Ижобий таъсир қилувчи омиллар. албатта жуда муҳим омиллар. Шу туфайли ушбу омиллар таҳлили иқтисодий адабиётларда етарлича ёритилган. Аммо тадбиркорни касодга учратадиган, унинг аҳволини оғирлаштирадиган омиллар бу салбий таъсир қиладиган омиллардир. Аммо бундай омиллар иқтисодий адабиётларда кам тадқиқ қилинган. Шу туфайли ишда бундай омилларга алоҳида эътиборни қаратдик.

Салбий омиллар таъсир доираси бўйича икки гуруҳга бўлинади: ички омиллар; ташқи омиллар. Ишда ушбу омилларга ҳам алоҳида аҳамият берилган.

Таҳлилнинг муҳим вазифаларидан бири, шу ички ва ташқи омилларни ўз вақтида аниқлаб, уларни бартараф қилиш йўлларини ишлаб чиқишдан иборатдир.



1 – Чизма. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими

Тадқиқотлар кўрсатдики, мазкур салбий омилларни бартараф қилишда икки нарсага аҳамият бериш лозим экан. Биринчидан, шу салбий омилларни бартараф қилиш корхонага фойда келтириши нуқтаи назаридан, яъни бунда салбий омилларни бартараф қилиш учун кетган харажатлар ўша товарни (иш, хизматни) сотиш корхонага зарар келтирадиган бўлса, ўша товарни (иш, хизматни) ишлаб чиқариб сотишни тўхтатиш керак. Иккинчидан, шу салбий омилларни бартараф қилиш товарни сотиш ҳажмини оширса, талбиркор фойдасини кўпайтиришга олиб келса, бундай камчиликларни бартараф қилишга маблағни сарфлаш мумкин. Икки ҳолатда ҳам талбиркор фаолияти ва маҳсулотининг рақобатбардошлилигини таъминлашга алоҳида аҳамият бериш лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хусусий корхоналарда ҳажм кўрсаткичлари ичида маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш кўрсаткичлари ўзига хос хусусиятларга эга. Кичик ҳажмга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарида ушбу кўрсаткичларга таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш усулларига ҳам ўзига хос тарзда ёндошувни тақозо қилади.

Инфляция даражаси ўзгариб турган шароитда маҳсулот ҳажмининг натурал миқдори бўйича таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу кўрсаткичлар ўзгаришига ҳам бирқанча омиллар таъсир қилади. Биринчиси, маҳсулот умумий натурал миқдорининг бажарилиш коэффициенти ва иккинчиси, маҳсулот ассортиментининг таркибий ўзгариши. Таҳлил жараёнида шу икки омилнинг ҳам таъсирини аниқлаш учун бир қанча ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилади.

Энг аввало, барча маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича натурал миқдорининг умумий бажарилиш коэффициентини (Кнм) аниқлаб олиш лозим. Бунинг учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\begin{array}{l} \text{Умумий маҳсулот} \\ \text{натурал миқдори} \\ \text{режасининг бажарилиш} \\ \text{коэффициенти (Кнм)} \end{array} = \frac{\text{Ҳақиқий} \\ \text{бажарилгани}}{\text{Режада} \quad \text{кўзда} \\ \text{тутилгани}} = \frac{44025}{43646} = 1,00868$$

Ушбу коэффициент орқали маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига бир қанча омилларнинг таъсирини ($\Delta Q_{\text{Кнм}}$) ҳисоблаш мумкин. Бу ишда амалий маълумотларни қўллаган ҳолда ёритилган.

Товар маҳсулоти ўзгаришига бир қанча омиллар таъсир қилади. Булар жумласига:

- товар маҳсулотининг натурал миқдори;
- товар маҳсулотининг таркибий тузилишидаги ўзгаришлар;
- товар маҳсулотининг таннархи;
- товар маҳсулотининг баҳоси. Каби омиллар киради. Уларнинг таъсирини ҳисоблаш учун бирқанча ҳисоб-китобларни амалга оширишни тавсия қиламиз.

1. Корхонада товар маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг натурал миқдори ошганлигининг умумий қийматига таъсирини ($\Delta T_{\text{М.НМ}}$) аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta T_{\text{М.НМ}} = \sum_{i=1}^n [T_{\text{м}i}^{\text{P}} \cdot (T_{\text{м.нк}i^{\text{A}}} / T_{\text{м.нк}i^{\text{P}}})] - \sum_{i=1}^n T_{\text{М.}i^{\text{A}}};$$

Бунда: $T_{\text{м}i}^{\text{P}}$ - i - товар гуруҳи бўйича товар маҳсулотининг режадаги қиймати; $T_{\text{м.нк}i^{\text{A}}}$ - i - товар гуруҳи бўйича товар маҳсулотининг натурал миқдори, ҳақиқатда; $T_{\text{м.нк}i^{\text{P}}}$ - i товар гуруҳи бўйича товар маҳсулотининг натурал миқдори, режада; i - товар гуруҳларининг тартиб рақами ($i = 1, 2, \dots, n$) - товар гуруҳларининг умумий сони.

Ушбу формуланинг амалиётда қўлланилиши шуни кўрсатдики, «Турон» кўптармоқли масъулияти чекланган жамиятда товар маҳсулотининг натурал миқдори 379 шартли банкага кўпайган. Бу товар маҳсулотини 212,7 минг сўмга (24702,8-24490,1) ошган.

2. Товар маҳсулотининг ўзгаришига унинг таркибий тузилишидаги ўзгариш ($\Delta T_{\text{М.ТТ}}$) ҳам таъсир қилади. Уни аниқлаш учун ҳақиқатдаги товар

маҳсулотининг режадаги баҳоси билан ҳисобланган миқдоридан ($\sum_{i=1}^n T_{\text{М.}i^{\text{P}}} \cdot \text{Кн}i$)

ҳақиқатдаги товар маҳсулотининг режадаги таркибдаги миқдори ($\sum_{i=1}^n T_{\text{М.}i^{\text{P}}} \cdot \text{Кн}i$)

айрилади: $\Delta T_{\text{М.ТТ}} = \sum_{i=1}^n T_{\text{М.}i^{\text{P}}} \cdot \text{Кн}i^{\text{A}} - (\sum_{i=1}^n T_{\text{М.}i^{\text{P}}} \cdot \text{Кн}i)$; Бу бизнинг мисолимизда

152,7 минг сўмга (24855,5-24702,8) тенг, яъни товарлар таркибида қиммат товарларнинг кўпайиши унинг қийматини оширишга олиб келган.

3. Товар маҳсулоти қийматининг ўзгаришига баҳонинг ўзгариши ҳам алоҳида таъсир қилади. Ушбу кўрсаткични ($\Delta T_{\text{М.Б}}$) аниқлаш учун ҳақиқий товар

маҳсулотининг режадаги таннархи билан ҳисобланган ҳажмидан ($\sum_{i=1}^n T_{\text{М.}i^{\text{P}}} \cdot \text{р}i$)

ҳақиқий товар маҳсулотининг режадаги баҳосида ҳисобланган ҳажмини

($\sum_{i=1}^n T_{\text{М.}i^{\text{P}}} \cdot \text{р}i^{\text{A}}$) айириб ташланади: $\Delta T_{\text{М.Б}} = \sum_{i=1}^n T_{\text{М.}i^{\text{P}}} \cdot \text{р}i^{\text{A}} - \sum_{i=1}^n T_{\text{М.}i^{\text{P}}} \cdot \text{р}i$; Товар

маҳсулоти баҳосининг ошганлиги унинг қийматини 3540,3 минг сўмга (26686,0-23145,7) оширган.

4. Товар маҳсулоти ҳажмининг ўзгариши бевосита унинг таннархидаги ўзгаришларга ҳам боғлиқ. Агар таннархи қанча паст бўлса, бир хил баҳода кўп фойда олиш мумкин ва аксинча. Агар маҳсулотнинг таннархини камайтирсак, тенг ҳолда унинг нархини пасайтириб ҳам фойда олишга эришишимиз мумкин. Шу туфайли маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таннархнинг таъсири ҳам ҳисобланиши лозим. Ушбу омилнинг таъсирини ($\Delta T_{\text{М.ТН}}$) аниқлаш учун товар маҳсулотининг ҳақиқий

миқдоридан $(\sum_{i=1}^n T_{M.}^x)$ унинг режадаги таннарх билан ҳисобланган миқдори

айрилади $(\sum_{i=1}^n T_{M.} \cdot \text{ртн}^x)$: $\Delta T_{M.тн} = \sum_{i=1}^n T_{M.}^x - \sum_{i=1}^n T_{M.} \cdot \text{ртн}^x$; Мазкур корхонада

таннархнинг ошганлиги маҳсулот ҳажмини 1709,8 минг сўмга (23145,7-24855,5) камайтирган, чунки унинг қийматлашганлиги туфайли сотилиши камайган.

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг:

$\Delta T_{M.} = \Delta T_{M.нм} \pm \Delta T_{M.тг} \pm \Delta T_{M.б} \pm \Delta T_{M.тн}$: Бу бизнинг мисолимизда куйидагича: 212,7+152,7-1709,8+3540,3=+2195,9 минг сўм

Тадқиқот давомида сотиш ҳажмига таъсир қилувчи омиллар ҳам ўрганилиб, улар иқтисодий мазмуни жиҳатидан тўрт гуруҳга бўлиниши аниқланди:

- меҳнат ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ омиллар;
- асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ омиллар;
- айланма маблағлар билан боғлиқ омиллар;
- номоддий активлар билан боғлиқ омиллар.

Ушбу омиллар таъсир қилиш даражасига қараб, икки гуруҳга бўлинади: интенсив омиллар ва экстенсив омиллар. Уларнинг бир-бирига боғлиқлиги ишда атрофлича ёритилган.

Иқтисодий таҳлилнинг муҳим вазифаларидан бири ушбу омилларнинг натижа кўрсаткичи ўзгаришига таъсирини аниқлашдан иборатдир.

Сотилган маҳсулот ўзгаришига таъсир қилувчи барча омилларнинг таъсири одатдаги усулда ҳисобланадиган бўлса, улар куйидагича аниқланади:

$$\Delta Q_{\text{н.}} = \left[\left(\frac{\Delta x\% \cdot 100}{\Delta Q\%} \right) + \left(100 - \frac{\Delta x\% \cdot 100}{\Delta Q\%} \right) \right] + \left[\left(\frac{\Delta \text{Ав}\% \cdot 100}{\Delta Q\%} \right) + \left(100 - \frac{\Delta \text{Ав}\% \cdot 100}{\Delta Q\%} \right) \right] + \left[\left(\frac{\Delta \text{Айм}\% \cdot 100}{\Delta Q\%} \right) + \left(100 - \frac{\Delta \text{Айм}\% \cdot 100}{\Delta Q\%} \right) \right] + \left[\left(\frac{\Delta \text{На}\% \cdot 100}{\Delta Q\%} \right) + \left(100 - \frac{\Delta \text{На}\% \cdot 100}{\Delta Q\%} \right) \right];$$

Бунда: $\Delta Q_{\text{бо}}$ - натижа кўрсаткичининг барча омиллар таъсирида ўзгарганлиги;

$\Delta X\%$ - ходимлар сонининг ўзгариш суръати;

$\Delta Q\%$ - сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгариш суръати;

$\Delta \text{Ав}\%$ - асосий воситалар ўртача қийматининг ўзгариш суръати;

$\Delta \text{Айм}\%$ - айланма маблағлар ўртача қийматининг ўзгариши суръати;

$\Delta \text{На}\%$ - номоддий активлар ўртача қийматининг ўзгариши суръати;

$K_{\text{смр}}$ - меҳнат ресурслари билан боғлиқ омилларнинг салмоқлилик коэффициенти;

$K_{\text{сав}}$ - асосий воситалар билан боғлиқ омилларнинг салмоқлилик коэффициенти

$K_{\text{сайм}}$ - айланма маблағлар билан боғлиқ омилларнинг

салмоқлилик коэффициентини;

K_{сна} - номоддий активлар билан боғлиқ омиллارнинг салмоқлилик коэффициентини.

Амалдаги усуллар билан ҳисоб-китоб қилинса, натижа кўрсаткичининг ўзгаришига тўрт гуруҳ омиллارнинг таъсири 400 фоизни ташкил қилади. Чунки бу ҳолатларда «такрорий ҳисоб»га йўл қўйилади.

Амалдаги усулларнинг бундай камчилигини бартараф қилиш учун ҳар бир гуруҳ омилини алоҳида қарамасдан, уларни бир-бири билан узвий боғлиқликда ва алоқада деб қараймиз ва ҳар бир гуруҳга, тегишли равишда салмоқлилик коэффициентини жорий қилишни тавсия қиламиз. Тадқиқотлар кўрсатдики, сотиш ҳажмига таъсир қилувчи омиллارнинг салмоқлилик коэффициентини, тахминан, қуйидагича белгилаш мумкин:

- меҳнат ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ омиллар - 0,40;
- асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ омиллар - 0,30;
- айланма маблағлар билан боғлиқ омиллар - 0,20;
- номоддий активлар билан боғлиқ омиллар - 0,10.

Агар омилларнинг ушбу салмоқлилик коэффициентини қўлаб ҳисоблайдиган бўлсак, барча омиллар таъсири 100 фоизга тенг бўлади. Бу учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$\Delta Q_{\text{бс}} = \left[\left(\frac{\Delta x\% \cdot 100}{\Delta Q\%} \right) \cdot K_{\text{ср}} + \left(100 - \frac{\Delta x\% \cdot 100}{\Delta Q\%} \right) \cdot K_{\text{ср}} \right] + \left[\left(\frac{\Delta \text{ав}\% \cdot 100}{\Delta Q\%} \right) \cdot K_{\text{св}} + \left(100 - \frac{\Delta \text{ав}\% \cdot 100}{\Delta Q\%} \right) \cdot K_{\text{св}} \right] + \left[\left(\frac{\Delta \text{айм}\% \cdot 100}{\Delta Q\%} \right) \cdot K_{\text{сайм}} + \left(100 - \frac{\Delta \text{айм}\% \cdot 100}{\Delta Q\%} \right) \cdot K_{\text{сайм}} \right] + \left[\left(\frac{\Delta \text{на}\% \cdot 100}{\Delta Q\%} \right) \cdot K_{\text{сна}} + \left(100 - \frac{\Delta \text{на}\% \cdot 100}{\Delta Q\%} \right) \cdot K_{\text{сна}} \right]$$

Бунда: $\Delta Q_{\text{бс}}$ - натижа кўрсаткичининг барча омиллар таъсирида ўзгарганлиги;

$\Delta x\%$ - ходимлар сонининг ўзгариш суръати;

$\Delta Q\%$ - сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгариш суръати;

$\Delta \text{ав}\%$ - асосий воситалар ўртача қийматининг ўзгариш суръати;

$\Delta \text{айм}\%$ - айланма маблағлар ўртача қийматининг ўзгариши суръати;

$\Delta \text{на}\%$ - номоддий активлар ўртача қийматининг ўзгариши суръати;

$K_{\text{ср}}$ - меҳнат ресурслари билан боғлиқ омилларнинг салмоқлилик коэффициентини;

$K_{\text{св}}$ - асосий воситалар билан боғлиқ омилларнинг салмоқлилик коэффициентини

$K_{\text{сайм}}$ - айланма маблағлар билан боғлиқ омилларнинг салмоқлилик коэффициентини;

$K_{\text{сна}}$ - номоддий активлар билан боғлиқ омилларнинг салмоқлилик коэффициентини.

Агар ушбу формулага амалий маълумотларини қўлаб ечадиган бўлсак, у ҳолда 2003 йилнинг 2001 ва 2002 йилларга нисбатан ўзгариши буйича қуйидаги жадвалга эга бўламиз (1-жадвал):

1 - Жадвал

«Турон» кўптармоқли маъсулияти чекланган жамиятда сотилган маҳсулот ҳажмига таъсир қилувчи омилларнинг ҳисоб-китоби

Омилларнинг Номи	2003 йил ўзгариши одатдаги усулда		2003 йил ўзгариши биз тавсия қилган усулда		Омилларнинг салмоқлилик коэффициенти
	2001 йилга нисбатан	2002 йилга нисбатан	2001 йилга нисбатан	2002 йилга нисбатан	
1	2	3	4	5	6
1. Сотилган маҳсулот ўзгариши:			($1_{yc} \times 5_{yc}$)	($2_{yc} \times 5_{yc}$)	
2. Ходимлар сони эвазига, %	70,9	93,3	28,4	37,3	0,4
3. Меҳнат унумдорлиги эвазига, %	29,1	6,7	11,6	2,7	0,4
4. Асосий воситалар эвазига, %	58,8	53,3	17,6	16,0	0,3
5. Асосий воситалар самарадорлиги эвазига	41,2	46,7	12,4	14,0	0,3
6. Айланма маблағлар эвазига, %	78,1	82,2	15,6	16,4	0,2
7. Айланма маблағлар самарадорлиги эвазига, %	21,9	17,8	4,4	3,6	0,2
8. Номоддий активлар эвазига, %	87,6	61,5	8,8	6,2	0,1
9. Номоддий активлар самарадорлиги эвазига, %	12,4	38,5	1,2	3,8	0,1
Жами омиллар таъсири	400,0	400,0	100,0	100,0	1,0

Ушбу жадвал маълумотларидан яққол кўриш мумкинки, амалдаги усул билан ҳисоблаганда, барча омиллар таъсири 400,0 % ни ташкил қилди. Агар омиллар гуруҳи бешта бўлганда эди, уларнинг умумий таъсири 500,0 % бўлган бўлур эди. Агар учта бўлса, 300,0 % ва ҳ.к. Биз тавсия қилган усул билан ҳисобланса, омилларнинг

гуруҳи ва умумий сонидан қатъий назар, бир хил натижага, яъни 100 % лик миқдорга эришиш мумкин.

$$\begin{aligned} \Delta Q_{\infty} &= \left[\left(\frac{12,6 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,4 + \left(100 - \frac{12,6 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,4 \right] + \\ &+ \left[\left(\frac{7,2 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,3 + \left(100 - \frac{7,2 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,3 \right] + \left[\left(\frac{11,1 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,2 + \left(100 - \frac{11,1 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,2 \right] + \\ &+ \left[\left(\frac{8,3 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,1 + \left(100 - \frac{8,3 \cdot 100}{13,5} \right) \cdot 0,1 \right] = \\ &= [(70,9 \cdot 0,4) + (29,1 \cdot 0,4)] + [(58,8 \cdot 0,3) + (41,2 \cdot 0,3)] + [(78,1 \cdot 0,2) + (21,9 \cdot 0,2)] + \\ &+ [(87,6 \cdot 0,1) + (12,4 \cdot 0,1)] = (28,4 + 11,6) + (17,6 + 12,4) + (15,6 + 4,4) + (8,8 + 1,2) = \\ &= 100,0 \% \end{aligned}$$

Кўришиб турибдики, бизнинг тавсиямиз, натижа ўзгаришига бир канча омиллар таъсирини бир вақтнинг ўзида бирданига ҳисоблаш имконини беради. Агар ушбу тавсиямиз амалиётга қўлланилса, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўғри баҳо бериш, уни одилona бошқаришга эришиш мумкин бўлади.

Иқтисодий таҳлилнинг муҳим вазифаларидан бири шу тадбиркорларнинг рақобатбардошлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш йўлларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Аммо бу масала иқтисодий ва молиявий таҳлилга оид адабиётларда старли даражада ёритилмаган.

Тадқиқотлар кўрсатдики, рақобатбардошликни таҳлил қилганда биринчидан, тадбиркор фаолиятининг рақобатбардошлиги ва иккинчидан, унинг ишлаб чиқараётган (сотаётган) товари (иш, хизмати) рақобатбардошлигидир. Аммо иқтисодий адабиётларда бу масала алоҳида қаралмаган. Шу туфайли уларнинг мазмунига алоҳида аҳамият бермоқдамиз.

Тадбиркор фаолиятининг рақобатбардошлиги деганда рақобатбардош субъектларга нисбатан фаолиятининг кенг қўламлилиги ва истиқболлилиги, харажатлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиб, кўпроқ фойда олиш қобилиятининг кучлилиги тушунилади.

Иккинчи йўналиш, бу тадбиркорнинг товари (иши, хизмати) рақобатбардошлигидир. Тадбиркор товари (иши, хизмати) рақобатбардош-лиги деганда, рақобатдош субъектлар товари (иши, хизмати) сифати ва нархга нисбатан истемолчига (харидорга) қулайлиги, унга кетадиган харажатнинг самарадорлиги ва шу товардан оладиган фойданинг кўплигини таъминловчи омиллар тизими тушунилади.

Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларига ва унинг рақобатбардошлигига бағишланган жуда кўп асарлар⁵ чоп этилди ва этилмоқда. Аммо уларда

⁵ Фуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Уқув қўлланма. Т.: Шарқ, 2002.; Абдуллаев Ё.А., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. Т.: Меҳнат, 2000.; Хўжаев Э., Юсупова Р., Ражабов Э. ва бошқалар. Тадбиркорлик ва бизнес асослари. Самарқанд, 1997.; Тўхлиев Н.,

рақобатбардошликни баҳоловчи, таҳлил қилиб тегишли хулоса чиқариш учун асос бўладиган миқдорий кўрсаткичлар деярли тадқиқ қилинмаган. Бироқ, бу борада жаҳон тажрибаси мавжуд. Кўпгина хорижий адабиётларда⁶ тегишли тавсиялар келтирилган.

Жумладан, Г.В.Савицкая⁷ тадбиркор товарининг рақобатбардошлигини аниқлаш учун рейтинг усулида баҳолашни тавсия қилади. Бу усул қуйидаги босқич бўйича амалга оширилади:

1. Ҳар бир йўналишни баҳоловчи алоҳида кўрсаткич. Буни аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинган:

$$q = \frac{P}{P_{100}} \times 100$$

Бунда: q - товар рақобатбардошлигини белгилловчи ҳар бир йўналишнинг баҳоловчи алоҳида кўрсаткич;

P - ҳар бир йўналиш бўйича мазкур товарга тегишли кўрсаткич;
 P_{100} - истеъмолчи (харидор) эҳтиёжини тўла (100%) қондириши учун ҳар бир йўналиш бўйича белгиланган меъёр.

2. Алоҳида бир-бирига боғлиқ йўналишлар бўйича гуруҳнинг жамланган кўрсаткичи (G).

$$G = \sum (a_i \times q_i)$$

Бунда: q_i - бир гуруҳга кирувчи i -кўрсаткичнинг миқдори;

a_i - ҳар бир i -кўрсаткичнинг салмоқчилиқ коэффициенти.

3. Умумлаштирилган кўрсаткич (J). ни аниқлаш учун товарнинг техник йўналиши бўйича аниқланган гуруҳ кўрсаткичининг миқдорини (G_m) иқтисодий йўналиш бўйича гуруҳ кўрсаткичлар миқдорига ($G_{ик}$) бўлиш тавсия қилинган:

$$J = G_m / G_{ик}$$

Агар $J < 1$ бўлса, таҳлил қилинаётган товарнинг рақобатбардошлиги унинг намунасига нисбатан паст эканлигидан, агар $J > 1$ бўлса, мазкур товар анча рақобатбардош эканлигидан далолат беради.

Таҳлил жараёнида тадбиркорнинг ўзининг ҳам рақобатбардошлигини аниқлаш лозим. Аммо бу борада ҳали етарли тавсиялар ишлаб чиқилган эмас. Албатта, тадбиркорларнинг рақобатбардошлигини битта кўрсаткич билан аниқлаш қийин. Уларни баҳолаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланган ҳолда унинг рейтингини аниқлаш билан эришиш мумкин.


Тадбиркорнинг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичларга қуйидаги кўрсаткичларни киритишни тавсия қиламиз:

- тадбиркор маҳсулотининг рақобатбардошлигини ифодаловчи умумлашган кўрсаткич;

Ўлмасов А. Ишбилармонлар дугати. Т.: Қомуслар бош таҳририяти. 1993, Мухаммедов М. ва бошқалар. Тадбиркорлик иқтисодиётининг асослари. Самарканд, 1998 ва ҳ.к.

⁶ Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Минск. ООО «Новое знание», 2000. - 435-439 бетлар.

⁷ Ўша жойда. 437 бет.



- тадбиркор маҳсулотининг бозордаги бир хил маҳсулотлар ҳажмидаги улуши;
- тадбиркорнинг рақобатбардош маҳсулотни сотиш ҳажми бўйича ўсиш суръати;
- тадбиркор маҳсулоти баҳосининг бозордаги энг юкори баҳога нисбатан коэффициентдаги миқдори;
- тадбиркор маҳсулотининг сертификатланганлик даражаси;
- маҳсулотнинг жозибadorлиги (товар белгиси, чиройли ўралиши, реклама қилиниши, қулайликларининг батафсил ёритилганлиги кабилар)

Бозор муносабатларида ҳукм сурадиган эркин рақобат шароитида ҳар бир тадбиркор ўз яшовчанлигини таъминлаш учун ушбу кўрсаткичларни аниқлаши ва таҳлил қилишга мажбур. Бу учун кўрсаткичлар тизимидан ягона комплекс кўрсаткични аниқлаб корхоналар рейтингига баҳо бериш бўйича бир қанча усуллардан фойдаланиш мумкин.

Корхонанинг фойдаси маҳсулотни ишлаб чиқаришда яратилса, унинг мавжудлиги сотилгандан кейин намоён бўлади. Шу тўғрисида фойда жуда кўп омиллар эвазига шаклланади ва ўзгаради.

Бозор муносабатлари шароитида бу омиллар қуйидагилардан иборат:

1. Сотилган маҳсулот, таннарх ва баҳонинг ўзгариши.
2. Фойданинг номинал қийматини ўзгартирадиган инфляция даражаси.
3. Корхона соф даромадининг корхона ва давлат ўртасидаги тақсимланиш

нисбати.

4. Меҳнат унумдорлиги.

5. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми, ассортимент ва таркибий тузилишининг ўзгариши.

6. Ассосий ва айланма маблағларнинг самарадорлиги ва айланиш тезлиги кабилар.

Ушбу омиллар таъсирини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш ички имкониятларни ишга солиш ортиқча маблағ талаб қилмаган ҳолда кўп самарага эришишни таъминлайди.

Омилли таҳлил усулидан фойдаланиб, фойда ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар ва уларни кўпайтиришнинг ички имкониятларини топишга муяссар бўлинди.

Мазкур ҳисоб-китоб кўрсатмоқдаки, ушбу корхонада фойдани кўпайтиришнинг қуйидаги аниқ резервлари (имкониятлари) мавжуд экан:

- ўрик шарбати ҳажмини ошириш – 93,8 минг сўм;
- ўрик шарбати таннархини пасайтириш – 203,3 минг сўм;
- помидор шарбати ҳажмини ошириш – 6,1 минг сўм;
- помидор шарбати таннархини пасайтириш – 132,6 минг сўм;
- сабзи шарбати ҳажмини ошириш – 8,8 минг сўм;
- сабзи шарбати таннархини пасайтириш – 747,2 минг сўм;
- олма шарбати таннархини пасайтириш – 87,2 минг сўм;
- узум шарбати таннархини пасайтириш – 229,6 минг сўм;
- гилос шарбати таннархини пасайтириш – 386,2 минг сўм;
- беҳи шарбати таннархини пасайтириш – 276,3 минг сўм.

Фойдани кўпайтиришнинг шу аниқланган барча имконияти ишга солинганда эди, мазкур кўрсаткич яна 2171,1 минг сўмга (93,8+203,3+6,1+132,6+8,8+747,2+87,2+229,6+386,2+276,3) ошган бўлар эди.

Бу ҳолда фойданинг ҳақиқатдаги умумий суммиси 1930,6 минг сўм эмас, балки 4101,7 минг сўмни (1930,6+2171,1) ташкил қилган бўлар эди. Қуриниб турибдики, мазкур корхонада фойдани кўпайтиришнинг жуда катта имконияти бор экан. Бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик субъектлари молиявий аҳволини яхшилаш учун нафақат фойдани, балки рентабеллик кўрсаткичини ҳам изчил таҳлил қилишни тақозо қилади.

Рентабеллик кўрсаткичларига бир қанча омиллар таъсир қилади. Аммо ушбу кўрсаткичга меҳнат ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ омиллар етарли даражада ўрганилмаган. Шу туфайли ушбу гуруҳ омилларига атрофлича тўхталлишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Маълумки, рентабеллик кўрсаткичларига меҳнат ресурслари билан боғлиқ омиллар таъсирининг ҳисоб-китоби бўйича анча тавсиялар мавжуд⁸. Аммо консерва заводлари мавсумий тарзда ишлайди. Бу омилнинг таъсири жуда катта. Лекин бу омил ҳали адабиётларда тўлиқ ўрганилмаган. Шу учун рентабеллик кўрсаткичига мазкур гуруҳ омиллари таъсирини аниқлаш учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$P_m = \frac{\Phi_c}{M} = \frac{\Phi_c}{I_{км}} \cdot \frac{I_{ку}}{I_{ку}} \cdot \frac{M}{M} \cdot \frac{X_{см}}{X_{см}} \cdot \frac{C_m}{C_m} \cdot \frac{C_m}{M};$$

Бунда: P_m – маҳсулот рентабеллиги;

Φ_c – соф фойда;

M – ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;

$I_{км}$ – Корхонанинг мавсум давомида ишлаган иш куни;

$I_{ку}$ – бир йил давомидаги умумий иш куни;

$X_{см}$ – корхонанинг мавсум пайтида банд бўлган ходимлари сони;

C_m – сотилган маҳсулот ҳажми.

Ушбу формулани ихчамлаштириб, натижани катта «А» билан, омилларни кичик «а» билан белгиласак, бу қуйидаги шаклга эга бўлади:

$$A = a_1 \cdot a_2 \cdot a_3 \cdot a_4 \cdot a_5 \cdot a_6 = \prod_{i=1}^6 a_i,$$

Бунда: a_1 – соф фойданинг мавсум давомида бир иш кунига тўғри келиши;

a_2 – мавсумий иш кунининг умумий иш кунисидаги улуши;

a_3 – умумий иш кунининг минг сўм маҳсулотга тўғри келиши;

⁸ Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Минск: ООО «Новое знание», 2000. - 460-467 бетлар; Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. М.: Финансы и статистика, 1994. - 60-75 бетлар; Абдукаримов И.Т. ва бошқалар. Матлубот кооперациясининг хўжалик фаолиятини анализ қилиш. Т.: Ўқитувчи, 1989. - 32-53 бетлар; Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Самарқанд: Зарафшон, 2001. - 87-126 бетлар; Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. I-қисм. Тошкент: «Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001. - 31-72 бетлар ва ҳ.к.

a_4 – мавсумий ходимларнинг меҳнат унумдорлиги;

a_5 – бир млн. сўм сотилган маҳсулотга мавсумий ходимларнинг тўғри келиши;

a_6 – сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқарилган маҳсулотдаги улуши;

Π – кўпайтириш белгиси;

i – омилларнинг тартиб сони ($i=1, n$)

p – омилларнинг умумий сони;

a_i – i омилнинг миқдори.

Ишда келтирилган формулаларга амалий маълумотлар ва таҳлилнинг занжирли алмаштириш усулини қўллаб ечиш мумкинлиги кўрсатиб берилди.

Мазкур ишда ўз счимини топган тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг иқтисодий таҳлили амалиётга қўлланса, ушбу фаолият самарадорлигини ошириш билан бирга мамлакатимиз иқтисодий қудратининг юксалишига, аҳоли фаровонлигининг муттасил равишда оширилишига олиб келади. Бундан ташқари, ушбу ишда кўтарилган тавсиялар тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада эркинлаштириш, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган ҳукумат қарорларини, йўриқнома ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ўзгартаришлар киритишда фойдаланиш мумкин.

III. ХУЛОСАЛАР

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг иқтисодий таҳлили бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва уларни иқтисодий самарадорлигини оширишнинг ички имкониятларини аниқлашда таҳлил усулларидан фойдаланиш юзасидан илмий ва амалий характерга эга бўлган қуйидаги хулоса ва таклифларни шакллантиришга эришди:

1. «Тадбиркор», «Тадбиркорлик», «Бизнес», «Бизнесмен», «Тадбиркорлик субъектлари» иқтисодий категорияларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти очиб берилди. Уларнинг бозор муносабатлари шароитига мос умумий ва хусусий томонлари назарий жиҳатдан қиёсий таҳлил қилиниб, илмий таърифлар ишлаб чиқилди.

2. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш зарурияти илмий асосланиб, улар фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларнинг тавсифи амалиётда фойдаланиш усуллари назарий ва амалий жиҳатдан асосланди.

3. Тадбиркорлик субъектларида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш иқтисодий таҳлилнинг муҳим тадқиқот объекти сифатида ўрганилиб, уларга таъсир қилувчи барча омилларга салмоқлилик коэффициентини қўллаб, омиллар таъсирини комплекс аниқлаш усуллари ишлаб чиқилди.

4. Илмий ишда тадбиркорлик субъектларининг эркин рақобат шароитида фаолият кўрсатишлари учун уларнинг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилишнинг услубий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар берилди.

5. Тадқиқотлар натижасида иқтисодий таҳлил жараёнида тадбиркорлик субъектларининг режалаштирилган фойдалилик даражасига эришишлари учун фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи янги омиллар тизими аниқланиб, уларни ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилди ва амалиётда қўллаш учун тавсия қилинди.

6. Бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик субъектлари рентабеллигига таъсир қилувчи омилларни мавсумий ишлайдиган корхоналар фаолиятига мос келадиган тизими илк бора тадқиқ этилди ва уларни таҳлил қилиш усуллари таклиф қилинди.

Диссертацияда Ўзбекистонда бозор муносабатларини чуқурлаштириш ва иқтисодий ислохотларни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш бўйича ишлаб чиқилган илмий янгиликлар, шакллантирилган хулоса ва таклифлар улар фаолиятини такомиллаштиришда ўзининг ижобий самарасини беради деб ҳисоблаймиз.

IV. ДИССЕРТАЦИЯ БЎЙИЧА НАШР ЭТИЛГАН ИЛМЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ.

1. Ж.Исроилов. Қиёсий таҳлил коэффициентидан фойдаланиш. // «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси». 2001 йил. № 12, 42-43 бетлар.

2. Ж.Исроилов. Кичик ва ўрта бизнеснинг аҳволи ва уни ривожлантириш йўллари. / «Кичик ва ўрта бизнесда менежмент муаммолари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Самарқанд, 2002. – 72-73 бетлар.

3. Ж.Исроилов. Проблемы информационного обеспечения финансового анализа в соответствии с НСБУ // Экономический вестник Узбекистана. 2002 год. №10-11 – 31-32 стр.

4. Ж.Исроилов ва бошқалар. Қиёсий таҳлилда келтириш коэффициентидан фойдаланиш. // Солиқ тўловчининг журнали. 2003 йил № 2, - 65-67 бетлар. (ҳаммуаллифликда).

5. Ж.Исроилов ва бошқалар. Корхонада айланма маблағлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. / Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2003. – 97-101 бетлар.

6. Ж.Исроилов ва бошқалар. Корхонада дебиторлик ва кредиторлик қарзлари таҳлили. / «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2003. – 122-137 бетлар.

7. Ж.Исроилов ва бошқалар. Қўшимча иш ўринларини очишнинг самарадорлиги. / «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2003-223-224 бетлар.

8. Ж.Исроилов ва бошқалар. Тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолатлари. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2003 йил, №1-2.35-37 бетлар (ҳаммуаллифликда).

9. Ж.Исроилов. Тадбиркорлик субъектларида товарларни ишлаб чиқариш ва сотишни таҳлил қилиш усуллари. (Услубий тавсия). Самарқанд в. ТИЧТИ, 2004.

10. Ж.Исроилов. Омилли таҳлил, тадбиркорлар фаолиятида иккинчи даражали иш йўқ. // Солиқ тўловчининг журнали. № 2. 2004 й.

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олишга талабгар Исроилов
Жамол Ибрагимовичнинг 08.00.08 «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва
аудит» ихтисослиги бўйича «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг
иқтисодий таҳлили» мавзусидаги диссертациясининг**

ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ

Қаяттли сўзлар: тадбиркор, тадбиркорлик, тадбиркорлик субъекти, бизнес, бизнесмен, тадбиркорлик фаолияти, кичик бизнес, хусусий бизнес, хусусий тадбиркорлик, кўрсаткичлар, ҳажм кўрсаткичлари, мутлақ кўрсаткичлар, нисбий кўрсаткичлар, маълумотлар манбаи, кўрсаткичлар тизими, рақобатбардошлик, рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар, фойда, рентабеллик, таҳлил, иқтисодий таҳлил, молиявий таҳлил, бошқарув таҳлили, таҳлил усуллари, омилли таҳлил, қиёсий таҳлил.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб мамлакатимизда, Самарқанд вилояти ва Оқдарё туманида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари, яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар, уларда амалга оширилаётган бошқарув усуллари ва унинг асосий функцияси бўлган таҳлил қилиш йўллари ҳисобланади.

Ишнинг мақсади. мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини таҳлил қилишнинг айрим назарий ва методологик жиҳатларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқот методи. илмий тадқиқот жараёнида билиш назариясидан, иқтисодий, мантиқий, статистик, қиёсий таҳлил усулларидан, илмий абстракция индукция ва дедукция, сабаб ва оқибат, анализ ва синтез, миқдор ва сифат категорияларидан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларни аниқлаш ва таҳлил қилишнинг назарий ва методологик асосини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётга тадбиқ қилиш билан изоҳланади.

Амалий аҳамияти: ишда ўз ечимини топган назарий ва амалий тавсиялар тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада эркинлаштириш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган ҳукумат қарорларини, йўриқнома ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда, уларга ўзгартиришлар киритишда, олий ўқув юртларига мўлжалланган иқтисодий таҳлил ва менежментга оид ўқув адабиётларини тайёрлашда қўлланилиши мумкин.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: диссертацияда келтирилган тақлиф ва тавсиялар ЎзР Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган бир қанча қонунларда ўз аксини топган бўлиб, ундан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини таҳлил қилишда, бир қанча олий ўқув юртлари талабалари, аспирант-лар ва ўқитувчилари томонидан мазкур фанни ўзлаштиришда фойдаланилмоқда.

Қўлланилиш соҳаси: мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини таҳлил қилишда кенг қўлланилиши мумкин.

РЕЗЮМЕ

Диссертация Жамола Ибрагимовича Исроилова на тему: «Экономический анализ деятельности предпринимательских субъектов» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.08. «Бухгалтерский учет, экономический анализ и аудит».

Ключевые слова: Предприниматель, предпринимательство, предпринимательских субъектов, бизнес, бизнесмен, предпринимательская деятельность, малый бизнес, частный бизнес, частное предпринимательство, показатели, объемные показатели, абсолютные показатели, относительные показатели, система показателей, источники информации, конкурентоспособность, показатели характеризующие конкурентоспособности, прибыль, рентабельность, анализ, экономический анализ, финансовый анализ, управленческий анализ, способы анализа, факторный анализ, сравнительный анализ.

Объектами исследования является предпринимательских субъектов, т.е. малый бизнес и частные предприниматели функционирующих в Акдарьинском тумане, Самаркандском вилояте и стране в целом.

Цель работы: разработка теоретических и методологических аспектов экономического анализа деятельности предпринимательских субъектов с учетом особенности экономического развития страны.

Методы исследования: в ходе исследования использованы теория познания, способы экономического, логического, статистического и сравнительного анализа, отдельных категорий, как научная абстракция, индукции и дедукции, причины и последствия, анализ и синтез, количество и качество и их взаимосвязи.

Полученные результаты и их новизна: Определяется разработкой научных и методологических аспектов экономического анализа системе показателей, характеризующих деятельности предпринимательских субъектов, методика их оценки и анализа, а также их внедрения на практике деятельности этих субъектов.

Практическая значимость: В ходе исследования полученные теоретические выводы и практические рекомендации могут послужить для разработки правительственных постановлений, инструкций и других нормативных документов для дальнейшей либерализации и повышение эффективности деятельности предпринимательских субъектов, а также при подготовке учебных материалов для высших учебных заведений по данной проблеме.

Степень внедрения и экономическая эффективность: предложения и рекомендации, приведенные в диссертации, отражены в нескольких законах, принятых Олий Мажлисом Р.Уз, внедрены в практическую деятельность отдельных предпринимательских субъектов, в учебный процесс нескольких высших учебных заведений. Внедрения наших рекомендаций на практике позволяют повысить эффективности деятельности предпринимательских субъектов, увеличивая новых рабочих мест уменьшает безработицы и повышает благосостояния народа в целом.

Область применения: Результаты исследования могут быть широко использованы при анализе деятельности предпринимательских субъектов функционирующих в нашей стране.

RESUME

Thesis of Jamol Ibragimovich Isroilov on the academic degree competition of candidate of laws, in specialization No. 08/00/08-accounting, economical analysis and audit, subject: "Economical analysis of activity of interpreneural"

Key words: "entrepreneur", "interpreneurship", "entrepreneurial subject", "business", "businessman", "business activity", "small business", "private business", "index", "index of amount", "absolute index", "relative index", "source of information", "system of indexes", "competitiveness", "index of competitiveness", "income", "profitability", "analysis", "economic analysis", "financial analysis", "managerial analysis", "methods of analysis", "comparative analysis".

Subject of inquiry: is entrepreneurial subjects mainly small and private business placed in Samarkand region, Okdaryo district and the rest of country.

Aim of the inquiry: is to work out new theoretical and methodological methods of economic analyses of entrepreneurial subjects activity, taking into the consideration the uniqueness of the legislation of our country.

Methods of inquiry: during scientific research knowledge theory, economic, logical, statistical and comparative analyses, scientific abstraction, induction and deduction, reasons and consequences analysis and synthesis, quantitative and qualitative methods have been used.

The results achieved and their novelty: is defined by developing a system of indexes that show the activity of entrepreneurial subjects methodology of their evaluation and analysis and serve for creating a theoretical and methodological bases and practical implementation.

Practical value: recommendations formulated and observed in the dissertation can be used in working out and adoption of new legislation, adoption of alterations to current legislation, and in preparation of normative documents for further liberalization and increasing effectiveness of entrepreneurial subject activity. Also it can be used in the academic process for the purposes of economic analysis and management.

Degree of implementation and economic effectiveness: Some results have been used in several legal acts by Oliy Majlis, in practical activity entrepreneurial subjects. Students, aspirants and lecturers in studying the economic analysis use the results of the research. They allow to increase effectiveness by increasing new working places, decreasing unemployment and increasing the well-being of population as a whole.

Sphere of usage: Results of research can be widely used in analyzing the activity of entrepreneurial subjects functioning in our country.